



## “SHURO” MAGAZINE IS AN IMPORTANT SOURCE IN ILLUMINATING THE HISTORY OF TURKESTAN IN THE BEGINNING OF THE XX CENTURY

**Ravshan Normuratovich Tursunov**

*Doctor of historical sciences, associate professor*

*National University of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [ravshan.tursunov.1980@mail.ru](mailto:ravshan.tursunov.1980@mail.ru)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Tatar enlighteners, jadid movement, the press, cultural relations, national progressives, education, science.

**Received:** 24.11.23

**Accepted:** 26.11.23

**Published:** 28.11.23

**Abstract:** This article describes the cultural relations between representatives of the Turkestan jadidism movement and Tatar enlighteners at the beginning of the XX century. Also, the significance of the “Shuro” magazine, founded by the Tatar enlightener, and the articles reflecting the socio-economic and political processes in the Turkestan region are analyzed.

## XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ТАРИХИНИ ЁРИТИШДА “ШЎРО” ЖУРНАЛИ МУҲИМ МАНБА

**Равшан Нормуратович Турсунов**

*Тарих фанлари доктори, доцент*

*Ўзбекистон Миллий университети*

*Тошкент, Ўзбекистон.*

*E-mail: [ravshan.tursunov.1980@mail.ru](mailto:ravshan.tursunov.1980@mail.ru)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** татар маърифатпарварлари, жадидчилик ҳаракати, матбуот, маданий алоқалар, миллий тараққийпарварлар, таълим, илм-фан.

**Аннотация:** Мазкур мақолада XX аср бошларида Туркистон жадидчилик ҳаракати намоёндалари ва татар маърифатпарварлари ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар ёритилган. Шунингдек, татар маърифатпарвари томонидан ташкил этилган “Шўро” журналининг аҳамияти ва унда Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар акс этган мақолалар таҳлил этилган.

## ЖУРНАЛ «ШУРО» ЯВЛЯЕТСЯ ВАЖНЫМ ИСТОЧНИКОМ ПО ОСВЕЩЕНИЮ ИСТОРИИ ТУРКЕСТАНА В НАЧАЛЕ XX ВЕКА

**Турсунов Равшан Нормуратович**

*доктор исторических наук, доцент*

*Национальный университет Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан.*

*E-mail: [ravshan.tursunov.1980@mail.ru](mailto:ravshan.tursunov.1980@mail.ru)*

### О СТАТЬЕ

<p><b>Ключевые слова:</b> татарские просветители, джадидское движение, пресса, культурные связи, национальные прогрессисты, образование, наука.</p>	<p><b>Аннотация:</b> В статье описываются культурные связи между представителями Туркестанского джадидизма и татарскими просветителями в начале XX века. Также анализируется значение журнала «Шуро», основанного татарским просветителем, и статей, отражающих социально-экономические и политические процессы в Туркестанском крае.</p>
---	---

### КИРИШ

Жамиятдаги маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларини кенг жамоатчилик эътиборига етказиб беришда, халқнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, халқлар ўртасида маданий алоқаларни йўлга қўйишда ҳамда халқро ҳамжамиятдаги ўзгаришларни мунтазам билиб боришда матбуотнинг аҳамияти каттадир. Матбуотнинг ушбу юксак вазифаси у ташкил топганидан бошлаб то бугунги кунгача тадрижий равишда ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Жумладан, XX аср бошларида Россия империяси ва Туркистон ўлкадаги мусулмон халқлари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг мутаҳкамланишида ҳам матбуотнинг ўрни катта бўлди. Матбуот орқали нафақат ахборот тарқатиш, балки миллатнинг дунёқарашини ўзгартириш, инсонларга миллий ўзлигини англатишдек муҳим вазифаларни амалга ошириш имконияти юқори бўлган. Шунинг учун ҳам XX аср бошида Россия, Эрон, Туркия, Миср, Хитой ва Туркистонда маърифат ва истиқлол ғояларини акс эттирган бир қатор газета ва журналлар нашр этила бошланди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

1908 йилда Оренбургда таъсис этилган “Шўро” журнали ана шундай матбуот нашрларидан биридир. Татар маърифатпарвари Ризоиддин Фахриддин журналга бош муҳаррирлик қилган. У 1908-1917 йилларда Оренбургда “Вақт” матбааси томонидан ҳар ойнинг биринчи ва ўн бешинчи кунлари нашр этиб борилган. Ҳажми 32 бет бўлиб, жами 240 та сони чикқан[1].

Журнал саҳифаларидан машҳур одамлар ва улуғ ходисалар, мақолалар, диний назариялар, диний масалалар, тарбия ва таълим, танқид, муросала ва мухобара, матбаа

асарлари, матбуот хулосаси, ҳаводис, адабиёт, шеърлар, ҳикоялар, латифалар, топишмоқлар, идорага мактублар каби рукнлар ўрин олган бўлиб, бу унинг кенг қамровли, мазмунан адабий, илмий, сиёсий мажмуа эканлигини кўрсатиб турибди.

XIX аср охири XX аср бошларида татар маърифатпарварлари билан Туркистон миллий тараққийпарварлари ўртасида мустаҳкам дўстона ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, буни “Шўро” журналида Туркистон тарихи ва ҳаётига оид 320 дан ортиқ материалларнинг чоп этилганлигидан кўриш мумкин[2].

“Шўро” журнали саҳифаларида Туркистон тарихи, машҳур тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти, асори атиқалар, муқаддас қадамжолар, Туркистон мабуотининг бугунги кунини, ютуқ ва муаммолари, ўлка адабиёти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, туркистонлик муаллифларнинг бадиий асарлари ўрганилган мақолалар билан бир қаторда Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ва мавжуд муаммолар, уларнинг сабаблари, таълим-тарбия соҳасига бағишланган мақолалар ҳам кенг ўрин олган.

“Туркистоннинг идораси”, “Туркистоннинг йўғолуви”, “Миллат номина бир рижо”, “Туркистоннинг ўгут ҳам ўтинчи”, “Мусулмонларнинг тараққиётдан орқада қоливларининг сабаблари”, “Таназзулимиз сабаблари”, “Фарзандларга ўрнак”, “Туркистон аҳолисининг саводи”, “Замона билан баробар одимлайлик”, “Фарғонада банк очмоқ”, “Туркистон”, “Туркистон тарихи”, “Туркистон уламаси”, “Туркистонда хонимлар”, “Туркистонда бу кунги ҳаёт”, “Эволюция ҳақида мулоҳаза”, “Туркистон мусулмонлари”, “Бонқа муаммолари ҳақида”, “Туркистоннинг усули идораси ҳақида”, “Туркистонда биринчи қурултой”, “Туркистонлилар ва федерация”, “Адам, марказият шиори ва Туркистон” каби мақолалар[3] шулар жумласига киради.

Миллий тараққийпарварлардан бири бўлган Хожи Муин Шукрилло мақоласида мажозий маънода Туркистоннинг ўз бағрида яшаб келаётган фарзандларига айтган панд-насихати ва истиробини моҳирона тарзда халқ онгига етказишга ҳаракат қилади. Муаллиф мақолада Туркистон ўлкаси қадимдан илм-фан ва маданият ўчоғи бўлганлигини, бу заминдан кўплаб боҳодирлар, мутафаккирлар етишиб чиққанлигини, ислом динини юксак тараққиёт ва маданият билан чамбарчас боғлиқ эканлигини алоҳида эътироф этиб, халқни ақидапарастликдан холос бўлишини, қоқоқликдан қутилишини, дунёвий билимларни пухта ўзлаштириб, янгича фикрлайдиган инсонлар бўлишларини, Туркистоннинг озод ва обод бўлиши ҳамда халқнинг эркин ва фаровон яшаши учун биргаликда интилишлари зарурлигини таъкидлайди. “Тарих билувчи одамларга маълумдурки, мен бурунги замонда илм ва маданият ўчоғи бўлғоним учун дунёнинг энг маъсуд ва маъмур ўлкаси эдим. Онинг учун эдики, қўйнимдаги (ҳозирда бар парча ҳароба бинолардан иборат ўлан) Самарқанд, “Самарқанд фирдавс монанд” аталурди. Чун ўғлонларимдан ўлан у боҳодир, у жаҳонгир

“Темур” давринда кўргоним умрон ва бахтиёрлик қиёмата қадар маним эсимдан чикмаюр. Оҳ! На бўлдики, сўнгги болаларим меним устимда бир-бирлари ила суғушуб, мени шул харобазор ҳолатина кетирдилар. Шу сабабдан менимда у порлоқ маданият, илм, саноат, расадхонам йўғолди, битди.

Ўғутим: Эй сўнгли турк болаларим! Агарда сизлар бу дунёда камол бахтиёрлик ила яшайлик, асло муинқироз бўлмайлик десангиз дин ва дунёингиза фойдали ҳар турли илм, фунунларни ўқингиз – ўргонингиз. Миллатингизни унутмангиз. Билмиш улингизга: Сизнинг динингиз ислом дини, манъ тараққий ва мағоир маданият эмасдур. Бино ила бу тўғруда ҳаргиз муҳолифат ва жанжол қилишиб юрмангиз!”[4].

Хожи Муин Шукрилло халққа мурожаат қилиб, ҳеч қачон миллий ўзликни унутмаслик лозимлигини, динни ниқоб қилиб турли хунрезликларни амалга оширмаслик кераклигини, аҳолини ақидапарестликка берилмаслигини, ислом дини тараққиёт ва маданиятга зид дин эмаслигини, аксинча, миллатнинг иродасини, иймонини ҳамда эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилишини, уни тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг ушбу фикрлари нафақат ўз замони балки ҳозирги давр учун ҳам долзарб аҳамият касб этади.

“Шўро” журнали саҳифаларида чоп этилган “Мусулмонларнинг тараққиётдан орқада қолувларининг сабаблари” номли мақолада тараққиёт жиҳатидан Туркистондаги маҳаллий аҳолининг дунёдаги бошқа халқлардан орқада қолаётганлигини, уларнинг илм-фан ва саноат соҳасида эришаётган ютуқлари биринчи навбатда, мамлакатда таълим-тарбияга катта эътибор қаратилганлигининг натижаси эканлиги баён этилган. “Мусулмонларга бошқа халқларнинг фавқулодда тараққий этувлари маълум. Мунларнинг илмлари, хунарлари ажиб саноатлари ақлларга ҳайрат бермакдадур. Илм ва маърифатларнинг натижаси ўлароқ мунлар бугун бутун дунёни заб қилуб битирдилар. Мунларнинг ушбу даражаларга эришувларина сабаб бўлғон нарса сайъ ва ғайратлари ҳамда ибтидоий мактабларидир. Шунинг учун биз ислоҳни ибтидоий мактаблардан бошларга тейушлимиз”[5].

Муаллиф мазкур мақоласида ҳар бир миллатнинг, давлатнинг тараққиёти унинг таълим-тарбияга қаратган сиёсатига кўб жиҳатдан боғлиқ эканлигини, ушбу соҳада кўзбўямачиликка, масъулиятсизликка, бепарволикка асло йўл қўйиб бўлмаслигини, халқни илм-маърифатли қилишнинг мукамал механизмини яратиш ва ушбу дастурга қатъий риоя этиш зарурлигини, таълим олувчиларга бошланғич даврдан пухта билимларни бериб борилса, олган билимлари, тажрибалари таълимнинг кейинги босқичларида ўзининг самарали натижаларини беришини кенг халқ оммасига тушунтиришга ҳаракат қилган.

“Фарзандларга ўрнатилган” номли мақолада муаллиф ёш болаларнинг эркин фикрлаши учун имконият яратиб бериш лозимлигини, ёшларга одоб-ахлоқ сифатларини ўргатишда аввало, инсоннинг ўзи ушбу жиҳатларга амал қилиши муҳимлигини, болаларнинг олдида ахлоқсиз сифатлар ва одатларни намойиш этмаслик кераклигини, чунки улғайиб келаётган бола кўрган нарсаларини тез фаҳмлаб олишини таъкидлаб, ҳар бир ота ўз фарзандини камол топишида ибрат бўла олишини таъкидлайди. Шундай бўлгандагина, ҳар бир инсон ўз фикрини эркин ифода этиши, бошқаларнинг қарашларига ўзининг муносабатини билдира олиши мумкин.

Муаллиф “Болаларимиз 8-10 ёшларга етуб тақлид хислари уйғонгон вақтларинда бизлар, адаб бермак қасди ила адабсизлик таълим этарга бошлаймиз. Сўз сўйларга ўргана тургон вақтларинда бизлар болаларни сўз сўйловидан манъ этамиз. Ушбу сабабдан болаларимиз ўсуб киши бўлдиқлариндин сўнгда сўз сўйлий билмайлар. Қизоруб, бўртинуб ожизликда қолалар. Бек кўбларимиз болаларнинг олларинда ишқ байтлари ва фасад ахлоққа зид бўлгон сўзлар сўйлайлар ва бу ишлари бирла болаларнинг ахлоқларини заҳарлайлар”[6] – дея куйиниб ёзади.

“Шўро” журналида чоп этилган яна бир мақолада инсонларнинг фаровон яшашлари учун замонавий билимларни пухта эгаллашлари, миллатнинг ҳар бир вакили таълим олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш лозимлигини, халқнинг билимли қатлами қанча кўп бўлса, давлат ва жамият тараққиёти юксалишини, замон ўзгариб бораётганлигини, сифатли таълим ва тарбия олмаган миллатларнинг йўқ бўлиб кетиши мумкинлигини қиёсий нуқтаи назардан кўрсатиб ўтилган. Муаллиф мақолада ҳар бир миллат фарзандларининг эркин келажаги учун ўзи ҳаракат қилиб, қулай замин яратмаса, бошқалар келиб бу ишга қўл урмаслигини, бошқа миллат вакиллари ҳаёт кечириш осон эмаслигини англаган ҳолда фарзандларининг ўқиши йўлида маблағларини ҳеч қачон аямаслиқларини айтиб, маҳаллий мулкдорларга, мутасадди раҳбарларга, ота-оналарга ёшларнинг ўқимаслиги, касб-ҳунар эгалламаслигининг оқибатлари аянчли бўлиши тўғрисида мурожаат қилади.

“Замонлар ўта боргон сайун аҳвол, маишат ва тирикчиликлар ўзгара, фикрлар очилуб билимлар ортадур. Мундан бир неча йиллар илгари ўқувнинг не ва нега фойдаси бор эконлигин билмаз эдик. Энди онинг фойдасини онглай бошладиқ... Бизнинг йўлдошларимиз поезд ила юрушгонда ва бизнинг учун ҳам ўрун очиқ бўлгонда бизнинг ароба ила юришимиз мувофиқ эмас. Бизнинг ҳам поезд ила юрувумиз керакдур. Замон шундай замондирки, ўқимагон ва ҳаракат қилмагон миллатларни эзуб ва ютуб юборадур. Хулоса бу жаҳолатдан қутулмоқ учун руслар ила бирга ўқув керакдур. Бизнинг ҳам болаларимиз бор. Ўз болаларимиз учун ўзимиз ғам емасак, бизнинг учун четдан қайғуртуб юрмозлар... Руслар, яхудийлар, арманий ва бошқа миллатлар ўз болаларин ўқитув учун

жонларини ҳам аямазлар. Мунлар ўзлари 20-30 сўм жолуния олуб турсаларда болаларин ўқитувдан қолдурмайлар. Онларда мактаб бор. Чунки онлар ўқумағонда дунёда турув қийин бўлгонлигин яхши фаҳмлагонлари учун ўқув йўлинда оқчаларин қизғонмайдурлар”[7].

Миллий тараққийпарвар Нўширавон Ёвушов журнал саҳифаларида ёзган “Туркистон” номли мақоласида Туркистон халқларининг саводхонлик ва ақлий салоҳияти даражасига қараб, муллалар ва авомлар деб икки гуруҳга бўлади. Муаллиф “Муллалар Туркистон мактаб ва мадрасаларинда ўқиб, арабча ва ўзбекча ўқий ва ёза биладиган кишилардир. Авомлар ўқув ва ёзув билмагон кишилар бўлуб, уларни эринчоқ деюрга тўғри келади” деб ёзади. Н.Ёвушов муллалар ҳақида тўхталиб, уларни илмли, маърифатлилик жиҳатидан бир бўлиб, фикрлар ва қарашлар жиҳатидан бир-бирларига қарама-қарши бўлган икки гуруҳга, яъни, қадимчилар ва жаидчиларга ажратади[8].

Абдулваҳоб Муродий ўзининг “Туркистонда хонимлар” номли мақоласида жамиятда хотин-қизларнинг ўрнини ошириш, қизлар учун алоҳида мактаблар очиш, уларни илм-маърифатли қилиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, оилада фарзанд тарбияси, унинг одоб-ахлоқи, саводхонлик ва билимлилик даражаси, албатта, уни онасининг саводи ва билимига, заковатига боғлиқ эканлигини эътироф этиб ўтади. “Ҳозирда бизам Туркистонда интибоҳ даврлари сезилуб, тараққий асрлари кўрила бошлағон бироз вақтлар кечди. Замон таъсири ила бизда тараққий этган нарса фақат эрлар учун ибтидоий мактаблар бўлуб, бунлар ҳам ул кутилгон даражада тугал эмас. Аммо мактабнинг онаси бўлгон қизлар мактабина келсак эски тартибдада мактаб учрамас. Ваҳоланки, миллатнинг тараққийси учун энг аввал қизлар мактабларини кўпайтирув миллий бурч эди. Лекин бизда у ҳолларнинг асари ҳам кўрилмайди. Ўн миллион Туркистон аҳолиси учунда биргина бўлсун қизларга хос тартибли бир ибтидоий мактаб йўқдур. Эр болаларимизни олий таҳсилга еткурмак учун хотин-қизларни маълумотли бўлишлари шарти азимдур”[9].

Абдурауф Фитрат томонидан ёзилган мақолада ХХ аср бошида Туркистон, Бухоро ва Хоразмда юзага келган жаидчилик ҳаракати, уларнинг фаолиятига қарши маҳаллий халқ вакилларининг айрим гуруҳлари (эскича фикрловчилар) томонидан турлича ноҳолис фикрлар билдирилганлиги, хаттоки, Бухоро шаҳрида улар фаолиятини қоралаб, ёмонлаб эълонлар ёпиштирилганлиги ҳақида гапирилади. Абдурауф Фитрат бу ҳолатдан қаттиқ ранжиган ҳолда, ушбу масалага безътибор бўлмасдан, аксинча, бундай эълонларни ёпиштирган гуруҳларга нисбатан ҳукумат томонидан жазо эмас, балки тегишли маслаҳат ва насихатлар берилишини истаб, жаидларнинг мақсад-муддаолари нималардан иборат эканлигини халққа тушунтириш лозимлигини жиддий тарзда таъкидлаб ўтади: “Бухоро шаҳрининг ўромларина ушбу мазмунда бир эълон ёпишдирилғон эди: “Янги чиқгон



жадидлар, болаларимизнинг эътиқодларини бузорлар, мунлар хузурларинда ҳеч ким боласини ўқутмасун, ўқитса шул кишини ўлдиражакмиз, жадидлар йиғилушуб ўтирмасунлар, агарда йиғилишуб ўтирсалар биз онларни бошларини кесормиз....”[10].

Фитрат жадидчилик ҳаракати фаолиятининг мазмун-моҳиятини, унинг намоёндаларини миллат келажаги йўлида олиб бораётган эзгу ишларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Ўлкадаги қоқоқлик, илмсизликни олдини олиш йўлида жадидлар биринчилардан бўлиб, миллат дунёқарашини ўзгартириш, халқ фаровонлигини таъминлаш учун турли тазйиқ ва қаршиликларга қарамасдан фидокорона меҳнат қилаётган, халққа маърифат тарқатаётган тараққийпарвар зиёлилар қатлами эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади[11]. Бу ҳаракат аъзолари ҳар томонлама етук, миллатпарвар, ватанпарвар комил инсонлар эканлигини айтиб, улар халқни саводли ва билимли қилиш, бу орқали мамлакатни тараққиётга олиб чиқишга интилаётган ёшлардан иборат эканлигини эътироф этади.

### ХУЛОСА

Умуман олганда, юқоридаги мақолалар таҳлилидан шуни кўриш мумкинки, “Шўро” журналида Туркистон мавзуси салмоқли ўрин тутган. Яна шуниси эътиборлики, журнал саҳифаларида чоп этилган Туркистон тарихи, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётига оид мақолалар фақат туркистонлик муаллифларга эмас, балки татар муаллифларига ҳам тегишли бўлган. Бу албатта, татар маърифатпарварлари ва Туркистон зиёлилари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилганлигини кўрсатиб турибди.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Шўро” журнали. – Оренбург. “Вақт” матбааси. 1908. – №1-24. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қўлёзмалар фонди. Инв. № 8751. (татар тилида).
2. Турсунов Р.Н. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни даврий матбуотда акс этиши (Оренбургдаги “Шўро” журнали мисоли) // Жаҳон тарихи кафедрасининг илмий ишлар тўплами. 1-жилд. –Тошкент, 2016. – Б. 161-168.
3. Махмудхўжа Бехбудий. Туркистоннинг идораси. // Шўро. – 1908. – № 23. – Б. 720-723.; А.Ф. Туркистоннинг йўғолуви. // Шўро. – 1909. – № 3. – Б. 94-95.; Белашов Оллоёр. Туркистон мусулмонлари. // Шўро. – 1910. – № 22. – Б. 682-683.; Алижон Тиришқовий. Туркистонлилар ва федерация. // Шўро. – 1917. – № 17. – Б. 394-397.; Аҳмад Сардор. Туркистонликлар. // Шўро. – 1912. – № 17. – Б. 522-523.; Хожи Муин Шукрилло. Туркистоннинг ўгут ҳам ўқунчи. // Шўро. – 1913. – № 1. – Б. 10. ; Давлатшоев Баҳромбек. Туркистонлилар. // Шўро. – 1913. – № 1. – Б. 12-15.; Мухтор Бакир. Миллат номина бир рижа. // Шўро. – 1913. – № 4. – Б. 122.; Тоҳирий Ҳ. Бонқа муаммолари ҳақида. // Шўро. – 1913. – № 23. – Б. 716.; Мусулмонларнинг тараққиётдан орқада қоувлари сабаблари. //

Шўро. – 1914. – № 8. – Б. 253-254.; Ёвушов Нўширавон. Туркистон. // Шўро. – 1914. – № 8. – Б. 238-239.; Абдулвахоб Муродий. Туркистонда хонимлар. // Шўро. – 1915. – № 21. – Б. 659-660.; Шермухамедов Мирмухсин. Туркистоннинг усул идораси ҳақинда. // Шўро. – 1917. – № 12. – Б. 279-280., – 1917. – № 14. – Б. 318-319.; Абдурауф Музаффарзода. Туркистонда бу кунги ҳаёт. // Шўро. – 1916. – № 11-23., – 1917. – № 1-8., Ўша муаллиф. Адам, марказият шиори ва Туркистон. // Шўро. – 1917. – № 19. – Б. 447-448.; Баҳромбек Давлатшоҳ. Эволюция ҳақинда мулоҳаза. // Шўро. – 1917. – № 5. – Б. 102-103. А. Хайрулло. Туркистонда биринчи курултой. // Шўро. – 1917. – № 14. – Б. 322-324.

4. Хожи Муин Шукрилло. Туркистоннинг ўгут ҳам ўқунчи. // Шўро. – 1913. – № 1. – Б. 10.

5. Муслмонларнинг тараккиётдан орқада қолувлари сабаблари. // Шўро. – 1914. – № 8. – Б. 253-254.

6. Фарзандларга ўрнатилган. // Шўро. – 1914. – № 10. – Б. 315.

7. Замона билан баробар одимлайлик. // Шўро. – 1914. – № 19. – Б. 604.

8. Турсунов Р.Н. Воззрения национальных прогрессистов на социально-экономические процессы в Туркестане в начале XX века. Автореф. дисс. канд. ист.наук. – Тошкент, 2008. 30 с; Ёвушов Нўширавон. Туркистон // Шўро. – 1914. – № 8. – Б. 238.

9. Абдулвахоб Муродий. Туркистонда хонимлар // Шўро. – 1915. – № 21. – Б. 559.

10. Абдурауф Фитрат. Жоҳилона таассубга мисол (“Очиқ сўз” газетасидан олинган) // Шўро. – 1917. – № 2. – Б. 34.

11. Tursunov R.N. The research analysis of the socio-economic issues of the Turkestan Jadids in the beginning of the 20th century // Central Asian problems of modern science and education. 4 (2), 2019.- Pp. 337-348.

12. Tursunov, R. (2022). INFORMATION ON THE ECOLOGICAL SITUATION AND WATER DISTRIBUTION IN TASHKENT IN “PAST AND CURRENT HISTORY OF TASHKENT” BY AI DOBROSMYSLOV. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY*, 3(01), 14-20.

13. Турсунов, Р. (2022). XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ XX АСР БОШИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТ ВА ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ ТАРИХИГА НАЗАР. *Academic research in educational sciences*, 3(NUU Conference 2), 1061-1068.

14. Tursunov, R. (2022). The second half of the XIX century-the effect of the ecological environment on the socio-economic life of the Turkestan region in the early XX century. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(1), 51-56.